

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

310 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 15 февралдаги ПҚ-2777-сонли қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли Фармони 3-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 15 февралдаги ПҚ-2777-сонли қарори 2-бандининг учинчи хатбошига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 25 апрель,
ПФ-5027-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 25 апрелдаги
ПФ–5027-сонли Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи
ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида» 1996 йил 8 августдаги ПФ–1503-сонли Фармонининг 3-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Давлат солиқ хизмати органлари томонидан тадбиркорлик субъектларини нақд пул маблағлари ёки пластик карточкалар бўйича тўлов шаклига қараб нархларни сунъий равишда ошириш ёки пасайтириш, назорат-касса машиналаридан, ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш, шунингдек, белгиланган тартибда чек ва талонларни бериш, нақд тушумни ўз вақтида ва тўла ҳажмда инкассация қилиш масалалари юзасидан ўтказиладиган текширувлар, ўрнатилган тартибга мувофиқ, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг махсус рухсатномасини талаб этадиган солиқ текшируви ҳисобланмайди».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ–2114-сонли Фармонида:

а) 1-бандида;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат солиқ хизмати органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига биноан бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тўлови топширилиши ва ҳисоби тўлиқ юритилишини, савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига риоя қилинишини, ушбу банднинг тўққизинчи хатбошида кўрсатилган ҳолатлардан мустасно тарзда, қисқа муддатли текширувлар ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат солиқ хизмати органлари томонидан тадбиркорлик субъектларини нақд пул маблағлари ёки пластик карточкалар бўйича тўлов шаклига қараб нархларни сунъий равишда ошириш ёки пасайтириш, назорат-касса машиналаридан, ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш, шунингдек, белгиланган тартибда чек ва талонларни бериш, нақд тушумни ўз вақтида ва тўла ҳажмда инкассация қилиш масалалари юзасидан ўтказиладиган тек-

ширувлар, ўрнатилган тартибга мувофиқ, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг махсус рухсатномасини талаб этадиган солиқ текшируви ҳисобланмайди»;

- б) 4-банддаги «ва муқобил текширувлар» сўзлари чиқариб ташлансин;
- в) 2-иловада:

2.2.-банднинг бешинчи хатбошидаги «режадан ташқари, муқобил текширувлар» сўзлари «режадан ташқари текширувлар ҳамда» сўзлари билан алмаштирилсин;

- 3.1-банднинг олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли Фармони 2-бандидан тўртинчи ва бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли Фармонида:

- а) 1-банд қўйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«мазкур банднинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошларида кўрсатилган тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти молия йили давомида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар мунтазам тўланмай келган тақдирда режали текширувлардан ўтказилиши мумкин»;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи ва еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

- б) 4-банднинг тўртинчи хатбошидаги «режадан ташқари» сўзлари «қисқа муддатли» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти тўғрисидаги низом 9-бандининг еттинчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга алоқадор бўлиши мумкин бўлган тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига мувофиқ, қисқа муддатли текширувлар ўтказиш.».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 4 апрелдаги ПФ-4296-сонли Фармонининг 1-банди:

- қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«мазкур банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган тадбиркорлик субъект-

ларининг молия-хўжалик фаолияти молия йили давомида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар мунтазам тўланмай келган тақдирда режали текширувлардан ўтказилиши мумкин»;

учинчи-тўртинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи-бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли Фармонининг 2-банди қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти молия йили давомида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар мунтазам тўланмай келган тақдирда режали текширувлардан ўтказилиши мумкин».

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 8 январдаги ПҚ-1257-сонли қарорининг 3-бандида:

учинчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«давлат солиқ хизмати органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига биноан бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тўлови топширилиши ва ҳисоби тўлиқ юритилишини, савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига риоя қилинишини, ушбу банднинг тўртинчи хатбошида кўрсатилган ҳолатлардан мустасно тарзда, қисқа муддатли текширувлар ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар»;

қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат солиқ хизмати органлари томонидан бозорларда, савдо комплекслари ва уларга туташ автомобиль тўхташ жойларида фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини нақд пул маблағлари ёки пластик карточкалар бўйича тўлов шаклига қараб нархларни сунъий равишда ошириш ёки пасайтириш, назорат-касса машиналаридан, ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланиш, шунингдек, белгиланган тартибда чек ва талонларни бериш, нақд тушумни ўз вақтида ва тўла ҳажмда инкассация қилиш масалалари юзасидан ўтказиладиган текширувлар, ўрнатилган тартибга мувофиқ, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг махсус рухсатномасини талаб этадиган солиқ текшируви ҳисобланмайди»;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сонли қарори 6-бандининг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чакана савдо ва хизмат

кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоблар механизмини янада тартибга солиш тўғрисида» 2013 йил 24 январдаги ПҚ–1910-сонли қарорининг 2-банди:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«тадбиркорлик субъектларини нақд пул маблағлари ёки пластик карточкалар бўйича тўлов шаклига қараб нархларни сунъий равишда ошириш ёки пасайтириш, назорат-касса машиналаридан, ҳисоб-китоб терминаллари-дан фойдаланиш, шунингдек, белгиланган тартибда чек ва талонларни бериш, нақд тушумни ўз вақтида ва тўла ҳажмда инкассация қилиш масалалари юзасидан текширувларни белгиланган тартибга мувофиқ ўтказиш»;

учинчи — бешинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

311 Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Қайд этиб ўтилсинки, Мустақиллик йилларида шаҳар ва қишлоқлар аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфасини шакллантириш, уй-жой ва ижтимоий-маиший қурилишни жадал ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини реконструкция қилиш ҳамда янгилаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Кейинги йилларда амалга оширилган ободонлаштириш ишлари Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган, Қўқон, Урганч, Қарши, Шаҳрисабз шаҳарларининг архитектура қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Тасдиқланган бош режалар бўйича Гулистон, Термиз ва Жиззах шаҳарларини реконструкция қилиш юқори суръатлар билан олиб борилмоқда.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши дастурини амалга ошириш натижасида қишлоқ аҳоли пунктларининг қиёфаси тубдан яхшиланиб бормоқда, ижтимоий-бозор инфратузилмасининг ривожланган тармоғи яратилди.

Шу билан бирга шаҳарсозлик фаолиятида жиддий камчиликлар мавжуд. Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликни, аҳоли пунктларини реконструкция қилиш ва ободонлаштиришда, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва муҳандислик-транспорт инфратузилмаси объектларини қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларини қўпол равишда бузишнинг кўпдан-кўп фактлари аниқланди.